1985 IV - VI
76-146

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 76 (5667).

1

Апрель 1985 й.

ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

30 мартда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлади, республика ҳукумати — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузди.



ТОШКЕНТ. 1985 йил 30 март. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси.

В. Молгачев ва С. Маҳкамов фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

30 март куни Тошкент шаҳрида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди.

Ҳукумат ложаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров,** КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари **К. Н. Могильниченко,** СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими **В. П. Жданов** ўтиришибдилар.

Депутат **К. И. Лапкининнинг** таклифига биноан сессияни республика Олий Советининг кекса депутати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **К. Яшин** очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **И. Б. Усмонхўжаев** сўзга чиқди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан депутат **П. Ҳабибуллаевни** Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб сайлашни таклиф этади. Партия группаси ва Оқсоқоллар кенгаши қўллаб-қувватлаган бу таклиф бир овоздан қабул қилинади. П. Ҳабибуллаев депутатларга билдирилган ишонч учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Шундан кейин Оқсоқоллар кенгашининг номидан гапирган депутат **Ш. А. Акмалхоновнинг** таклифига биноан депутатлардан **Д. Е. Айбўсинова, С. Каримов, Е. А. Маршалов, С. Салоева** Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари қилиб сайланади.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мандат комиссиясини сайлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумини сайлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларини тузиш.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузиш.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетини тузиш.

Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш соҳасида республика совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Е. А. Айтмуротовнинг** таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мандат комиссияси сайланади.

Қисқа муддатли танаффусдан кейин Олий Совет республика Олий Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисида Мандат комиссияси раиси депутат **Т. Қ. Жўраевнинг** докладини тинглади.

Олий Совет бир овоздан қуйидаги қарорни қабул қилди: «Ўзбекистон ССР Конституциясининг 102-моддасига асосан 1985 йил 24 февралда барча 510 сайлов округида сайланган ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколати ҳақиқий деб топилсин».

Сессия кун тартибидаги иккинчи масалани кўриб чиқишга — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлашга ўтади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **И. Б. Усмонхўжаев** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан депутат **О. У. Салимовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш ҳақида таклиф киритади. Партия группаси ва Оқсоқоллар кенгаши бу таклифни қўллаб-қувватлаган. Бу таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Депутат **О. У. Салимов** сўзга чиқади. У ўзига юксак ишонч билдирилганлиги учун самимий миннатдорчилик изҳор қилади. Унинг партия группаси ва Оқсоқоллар кенгаши топшириғи билан киритган таклифига мувофиқ Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарларини, Президиум Секретарини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоларини бир овоздан сайлайди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Ғ. Ҳ. Қодировнинг Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ ва республика ҳукуматини тузиш масаласи сессиянинг муҳокамасига қўйилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз бурчини бажариб бўлганлиги ва республика Олий Совети ҳузурида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **И. Б. Усмонхўжаев** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан депутат Ғ. Ҳ. Қодировни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритади. Партия группаси ва Оқсоқоллар кенгаши бу таклифни қўллаб-қувватлаган.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Олий Совет олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризани маълумот учун қабул қилади, республика ҳукуматининг фаолиятини маъқуллайди ва депутат **Ғ. Ҳ. Қодировни** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлайди. Олий Совет депутат Ғ. Ҳ. Қодировга республика ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифни тақдим этишни топширади.

Олий Совет кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга — Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларини тузишга ўтади. «Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисида» қарор қабул қилинади, бу комиссияларнинг состави ва раислари тасдиқланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **Т. Н. Осетровнинг** таклифига биноан Олий Совет **В. А. Хайдуров** раислигида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Олий Совет Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Р. Ҳ. Абдуллаеванинг** таклифига биноан **С. Йигитaлиев** бошчилигида Ўзбекистон ССР Олий судини сайлайди.

Шундан кейин Олий Совет кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга киришди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Л. Ш. Бекқулбекова** доклад қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Ғ. Ҳ. Қодировга** сўз берилади. У билдирилган ишонч учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди ва ўзига берилган топшириққа биноан республика ҳукуматининг составини Олий Совет тасдиғига тақдим этди.

Олий Совет ҳукуматнинг составини — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини бир овоздан тасдиқлади.

Депутат Ғ. Ҳ. Қодиров Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бундан буёнги фаолияти тўғрисида баёнот берди. Олий Совет қабул қилинган қарорда ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларини маъқуллади.

Танаффусдан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Ғ. Ҳ. Қодиров** халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш соҳасида республика совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **Т. А. Алимов** (78-Тилов сайлов округи), **О. А. Қодирова** (120-Киров сайлов округи), **А. А. Петров** (262-Учқудуқ сайлов округи), **Қ. Ҳ. Маҳамадалиев** (320-Жомбой сайлов округи), **Д. А. Ахроров** (304-Гагарин сайлов округи), **А. И. Барулин** (435-Рапқон сайлов округи), **Қ. Сапаев** (460-Боғот сайлов округи), **А. У. Жуманиёзова** (503-Хўжайли шаҳар сайлов округи), **Л. В. Самойлова** (265-Ленин сайлов округи), **В. А. Лозинский** (210-Марказий сайлов округи), **Ғ. Н. Насриддинов** (358-Оққўрғон сайлов округи), **И. И. Лутфуллаев** (191-Жданов сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет «Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш соҳасида республика совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Шу билан ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қуйидаги составда сайлансин:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси — **Салимов** Оқил Умрзоқович — Фарғона область 416-Марғилон сайлов округидан депутат.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари:

Романовский Анатолий Петрович — Жиззах область 190-Жиззах сайлов округидан депутат.

Ешимбетова Турсун Алламбергеновна — Қорақалпоғистон АССР 481-Калинин сайлов округидан депутат.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари — **Бекқулбекова** Лидия Шохтухатовна — Тошкент шаҳар 7-Марказий сайлов округидан депутат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Акбаров Одилжон — Андижон область 122-Жданов сайлов округидан депутат;

Алламуродов Бўри — Самарқанд область 352-Қуйи-қишлоқ сайлов округидан депутат;

Алиев Энвер — Тошкент область 87-Новая жизнь сайлов округидан депутат;

Асророва Болта — Самарқанд область 313-Сиёб сайлов округидан депутат;

Отаҳўжаев Раҳматилла (Уйғун) — Хоразм область 469-Муҳаман сайлов округидан депутат;

Охунбобоев Карим Йўлдошевич — Фарғона область 428-Охунбобоев сайлов округидан депутат;

Бакирова Урхия Маҳкамбоевна — Сирдарё область 389-Ворошилов сайлов округидан депутат;

Гусев Юрий Александрович — Тошкент шаҳар 53-Гвардейский сайлов округидан депутат;

Журавлев Василий Николаевич — Тошкент шаҳар 46-Жуков сайлов округидан депутат;

Зоҳидов Эркин Тожиевич — Жиззах область 202-Зарбдор сайлов округидан депутат;

Иванова Наталья Николаевна — Қашқадарё область 209-Ленин сайлов округидан депутат;

Мельников Павел Петрович — Навоий область 249-Зарафшон сайлов округидан депутат;

Мирсандов Шукурулла Раҳматович — Тошкент шаҳар 15-Луначарский сайлов округидан депутат;

Нориев Холбой — Сурхондарё область 363-Ангор сайлов округидан депутат;

Сандҳўжаев Абдулхамид — Тошкент область 106-Тўйтепа сайлов округидан депутат;

Тошева Шарофат Насруллаевна — Бухоро область 166-Тўқимачи сайлов округидан депутат;

Усмонхўжаев Иномжон Бузрукович — Қашқадарё область 211-Қарши сайлов округидан депутат.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

1985 йил 30 март, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари қилиб қуйидагилар сайлансин:

1. **Айбўсинова** Дамегул Есенбоевна — Қорақалпоғистон АССР 508-Чимбой қишлоқ сайлов округидан депутат;

2. **Каримов** Самарахон — Наманган область 270-Косонсой сайлов округидан депутат;

3. **Маршалов** Евгений Александрович — Тошкент шаҳар 22-Темирйўл сайлов округидан депутат;

4. **Салоева** Саломат — Хоразм область 464-Қўшкўпир сайлов округидан депутат.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

1985 йил 30 март, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидаги составда тузилсин:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси — **Қодиров** Ғайрат Ҳамидуллаевич.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари — **Михайлов** Виктор Константинович.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг раиси — **Аҳмедов** Қудратилла Аҳмедович.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Духанин** Виктор Григорьевич.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Заҳриддинов** Ғулом Заҳриддинович.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Раҳимов** Бектош Раҳимович.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Султонова** Сайёра Умаровна.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Хўжаев** Акром Рустамович.

Ўзбекистон ССР ички ишлар министри — **Иброҳимов** Неъматжон.

Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри — **Пўлатов** Салим.

Ўзбекистон ССР геология министри — **Тўлаганов** Ҳабибулла Тўлаганович.

Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри — **Қўйбоқаров** Хушвақт Ражабович.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри — **Худойберганов** Абдулла Маткаримович.

Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри — **Нишонов** Рафиқ Нишонович.

Ўзбекистон ССР маданият министри — **Раҳимбобоева** Заҳро.

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри — **Қурбонов** Маҳмуд Ҳасанович.

Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министри — **Юсупов** Пўлат Юнусович.

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министри — **Маҳамадалиев** Қудратилла Ҳикматуллаевич.

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри — **Жўрабеков** Исмоил Ҳакимович.

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри — **Нуъмонов** Пўлат.

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министри — **Мамажонов** Йўлдош.

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри — **Нўлдошев** Мўминжон.

Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри — **Абдуллаев** Раҳматулла.

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри — **Исаев** Георг Георгинович.

Ўзбекистон ССР маориф министри — **Аббосова** Ойдин Солиҳовна.

Ўзбекистон ССР алоқа министри — **Раҳимов** Комилжон.

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри — **Қурбонов** Набижон Ғаниевич.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри — **Икромов** Акмал Икромович.

Ўзбекистон ССР қурилиш министри — **Потуремский** Петр Григорьевич.

Ўзбекистон ССР савдо министри — **Ҳасанов** Мадаминжон Ҳасанович.

Ўзбекистон ССР молия министри — **Каримов** Ислом Абдуҳошиевич.

[illegible] ССР энергетика ва электрлаштириш министри — **[illegible]индов** Азиз Ҳакимович.

[illegible] ССР юстиция министри — **Олимжонов** [illegible]ич.

[illegible]Р автомобиль транспорти министри — [illegible]андр Фадеевич.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри — **Куксенко** Виталий Павлович.

Ўзбекистон ССР ўй-жой-коммунал хўжалиги министри — **Илюхин** Александр Меркулович.

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри — **Насриддинов** Ғафур Насриддинович.

Ўзбекистон ССР социал таъминот министри — **Ёқубжонова** Хосият.

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министри — **Қаюмов** Абдуҳамид Қаюмович.

Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси — **Ҳайдарова** Шоҳида.

Ўзбекистон ССР Материал-техника таъминоти давлат комитетининг раиси — **Шарипов** Тоҳир Яҳёевич.

Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг раиси — **Зоидов** Мирғиёс Аббосович.

Ўзбекистон ССР нархлар давлат комитетининг раиси — **Тожиев** Насриддин.

Ўзбекистон ССР Балиқчилик хўжалиги давлат комитетининг раиси — **Тен** Хай-Гюн.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раиси — **Боймиров** Тўхтамиш.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси — **Қаюмов** Пўлат.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси — **Юсупова** Инқилоб Турсуновна.

Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитетининг раиси — **Тўраев** Азиз Оппоқович.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси — **Қурбонов** Собир Шералиевич.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси — **Головин** Владимир Александрович.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг раиси — **Этамбердиев** Мавлон.

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раиси — **Ҳамидов** Вали Абдуҳоҳидович.

Ўзбекистон ССР саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати давлат комитетининг раиси — **Аҳмадбоев** Акром Ғуломович.

Ўзбекистон ССР Саноат паррандачилиги давлат комитетининг раиси — **Пискунов** Борис Анатольевич.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудири — **Собитов** Тўлқин Ҳамидович.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи — **Содиқов** Мирзокир Комилович.

Ўзбекистон ССР Колхозларда қурилиш ишлари олиб бориш давлат кооператив бирлашмасининг раиси — **Ашуров** Эргаш.

Ўзбекистон ССР Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб бориш бошқармасининг бошлиғи — **Набиев** Тўлаган.

Ўзбекистон ССР Чет эл туризми бош бошқармасининг бошлиғи — **Раҳимов** Ҳошим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 120-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

1985 йил 30 март, Тошкент шаҳри.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси депутат Ғ. Ҳ. ҚОДИРОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Шу йил 24 февралда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказилган сайлов совет кишиларининг юксак сиёсий онглилигини, уларнинг партия ишига содиқлигини ишончли тарзда кўрсатди, социалистик демократия тантанасининг ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҳозирги сессияси Коммунистик партия билан унинг Марказий Комитети атрофига жипслашган совет халқи Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган шонли воқеалар арафасида ўтмоқда. Бутун мамлакат меҳнаткашлари каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам шу йилги топшириқларни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажаришга, беш йилликни муносиб якунлашга, Ленин партиясининг XXVII съездини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга азму қарор беришган.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хоҳиш-иродасини ифода этиб, партиянинг бош йўли давомийлиги ва ўзгармаслигини таъминлаш қатъиятини билдирди. Партия ва халқ Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевни бир овоздан КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватлади.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқида ҳозирги ва келгуси энг муҳим проблемаларни ҳал этиш йўлларини белгилаб берди. «Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозим, — деб таъкидланди ана шу нутқда. — Биз қисқа муддатларда энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз».

Ўзбекистон меҳнаткашлари партиямизнинг ленинча йўлини чин қалбдан астойдил маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига жавобан фидокорона ишлашни ва совет халқлари кўпмиллатли оиласининг умумий меҳнатига республика қўшадиган ҳисса кун сайин ортиб боришига эришишни ўзларининг энг биринчи бурчи деб ҳисобламоқдалар.

Республикада сайловлар ўртасидаги давр мобайнида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида халқ хўжалигининг барча тармоқларини жўшқин ривожлантириш, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш юзасидан партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган иш изчиллик билан ўтказиб келинди.

Коммунистик партия совет халқи фаровонлигини юксалтириш борасида амалга ошираётган тадбирлар системасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уларнинг хилини ошириш ва сифатини яхшилашга муҳим аҳамият берилмоқда.

1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига маиший хизмат системасини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарор партия билан ҳукумат совет кишиларининг юқори сифатли хилма-хил истеъмол моллари ва маиший хизматга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама ва тўлиқ қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларининг янги ифодаси бўлди.

Республикада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш, уларнинг хилини ошириш ва сифатини яхшилаш юзасидан қатъият билан иш олиб борилмоқда.

Корхоналар қуриш, ишлаб турганларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, эскирган машина-ускуналарни алмаштиришнинг кенг программаси амалга оширилмоқда. Беш йиллик бошидан буён шу мақсадга 2 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Бир қанча катта-катта корхоналар ишга туширилди. Андижон ип-газлама комбинати билан Бухородаги ип-газлама комбинатининг иккинчи навбати ҳамда уларнинг кичик шаҳарлардаги ва қишлоқлардаги филиаллари, Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларининг янги қувватлари, Қорақалпоғистондаги йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришлари шулар жумласидандир. Шойи газлама, пайпоқ ва трикотаж буюмлар, мактаб мебели, спорт анжомлари, керамика буюмлари, ўсимлик ёғи ва нон-булка ва кондитер маҳсулотлари, ун, ёрма, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланадиган қувватлар кўпайди.

Республикада оғир саноат, машинасозлик, халқ хўжалиги барча тармоқларининг корхоналари қандай ихтисослашганидан қатъи назар, истеъмол моллари ишлаб чиқаришда мажбурий иштирок этишидан иборат қатъий йўлга амал қилинмоқда. Ҳозирги вақтда мингдан кўпроқ бирлашма ва корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда.

1976 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 294 сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 575 сўмликни ташкил этади ёки салкам икки баравар ортади.

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида ип-газлама тўқиб чиқариш 1,8 баравар, пайпоқлар ва шойи газлама — 1,2 баравар, болалар учун моллар — 1,5 баравар, маданий-маиший ва хўжалик моллари — 1,4 баравар, ёрма — 43 процент, ун — 25 процент, чой — 20 процент кўпайди.

Шу йиллар ичида чакана нархларда пландан ташқари 1 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, маданий-маиший ва хўжалик буюмларининг 800 дан кўпроқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу йил «Н» (янгилик) индекси билан сифати яхшиланган маҳсулотлар ва алоҳида модадаги буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми 500 миллион сўмликдан ошиб кетади. Бугунги кунда республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган молларнинг кўпгина турлари танқчил бўлмай қолди. Лекин шуни тан олиш керакки, бундай моллар ҳали кам ишлаб чиқарилмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планларни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни мунтазам суратда йил сайин бажараётган, юксак сифат кўрсаткичларига эришаётган кўпгина илғор меҳнат коллективлари бор.

1984 йилги социалистик мусобақа натижаларига кўра, эришган ютуқлари учун Қўқондаги «Ҳурмат Белгиси» орденли ғалла комбинати, Тошкентдаги Халқлар дўстлиги орденли гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент ошхона мебели ва бошқа мебель заводи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди. Аҳоли учун моллар ишлаб чиқараётган бир қанча корхоналар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

Ишлаб чиқариш илғорлари халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, уларнинг кўпчилиги беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар.

Бу йил қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳисобга олиб, чакана нархларда 10 миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш лозим. Бу эса ўтган йили ишлаб чиқарилганига қараганда 700 миллион сўмлик ортиқдир. Ўсиш суръатлари 107 процентни ташкил этади.

Январь—февраль ойларида министрликлар, идоралар ва меҳнат коллективларининг кўпчилиги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш планларини уддаладилар.

Бироқ шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўрмон хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, «Госкомсельхозтехника», «Ўзбекбирлашув» ва иттифоққа бўйсунувчи бир қанча корхоналар ёмон ишлаганликлари сабабли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш икки ойлик плани умуман республикада бажарилмади. 7,3 миллион сўмлик шундай моллар кам етказиб берилди.

Андижон, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Фарғона, Хоразм областлари ва Тошкент шаҳри планнинг бажарилишини таъминламадилар. Умуман 240 корхона планни уддалай олмади. Мебель, холодильник, сирланган идиш, ип-газлама, гилам, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, чой, минерал сув ва бошқа баъзи молларни ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Иттифоққа бўйсунувчи кўпгина корхоналар, енгил саноат, маҳаллий саноат ва саноатнинг бошқа тармоқлари ишлаб чиқарилаётган молларнинг турини ўз вақтида янгилаш, шунингдек, ҳамон танқчил бўлиб турган моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш юзасидан тегишлича иш олиб бормаяптилар. Аҳолининг чит, сатинга ва гул босилган бошқа ип газламалар ҳамда улардан тайёрланган буюмларга, айниқса болаларнинг колготкаларига, хотин-қизларнинг кўйлаклари ва халатларига, эркакларнинг пайпоқларига, сочиқларга, трикотаж ич кийимларга бўлган талаб-эҳтиёжи ҳали тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Савдода чўян қозонлар, рўзғорбоп электр асбоблари, катта ва кичик қайчилар, домино, тахтакачлар, супургилар, мочалкалар ва бошқа кўпгина энг оддий буюмлар етишмаяпти.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, маҳаллий совет органлари аҳолининг энг оддий хўжалик-маиший молларга бўлган талаб-эҳтиёжларини асосан жойларда шундай молларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кўпайтириш ҳисобига тўла қондириш тўғрисидаги ғамхўрликни ўз зиммаларига олишлари керак. Талайгина вақт ўтган бўлишига қарамай, бу йўналишда муҳим силжишлар рўй бергани йўқ. Ҳатто Андижон, Наманган, Тошкент каби областларда ҳам кўпгина энг оддий буюм турларини ишлаб чиқариш шу пайтгача йўлга қўйилмаган.

Қишлоқ қурилиши министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Қурилиш министрлиги, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг, «Узглавхлопкопром», «Госкомсельхозтехника», «Главсредазирсовхозстрой»нинг корхоналари етишмаётган хўжалик молларини ишлаб чиқаришга бирмунча кўпроқ ҳисса қўшишлари мумкин бўлур эди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳали ишлаб чиқариш қувватларидан, маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Технология машина-ускуналарининг кўплаб бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланилмаяпти.

Аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашга алоқадор бўлган тармоқлар орасида енгил саноат етакчи ўрин олади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг зўр ғамхўрлиги туфайли бу тармоқда ишлаб чиқариш потенциалини кучайтиришнинг кенг программаси амалга оширилмоқда. Беш йиллик бошланганидан бери уни ривожлантиришга 980 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Шу давр ичида 56 та йирик корхона ва уларнинг филиаллари қурилди, реконструкция қилинди ҳамда кенгайтирилди. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, уларда янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ходимларнинг ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида катта ишлар қилинмоқда.

Енгил саноатни ривожлантиришга катта маблағ сарфланмоқда, бироқ ип газлама тармоғида ва гиламдўзликда ҳали дурус самара олинмаётганлигини эътироф қилмоқ керак. Бу тармоқларда барпо этилган ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланилмаяпти. Фарғона областидаги Бешариқ, Янгиқўрғон филиалларида, Андижон областидаги Чинобод ва Пахтаобод, Қорақалпоғистон АССРдаги Хўжайли, Беруний ва Тўрткўл филиалларида вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларининг ярмидан ҳам камроқ қисми иш билан таъминланмаган.

Министрлик беш йиллик бошидан буён анчагина миқдордаги ип газлама, гилам, ип ва энг зарур молларнинг бошқа баъзи турларини камроқ берди. Пайпоқлар, чарм пойабзал, ички ва устки трикотаж ишлаб чиқариш соҳасида беш йиллик топшириқларидан орқада қолинишига йўл қўйилди.

Илгари республика тўқимачилик саноати бизнинг иқлимимизда жуда зарур бўлган хилма-хил ип газламалар — батист, мая, поплин ишлаб чиқарар эди, ҳозир магазинларда бундай газламалар йўқлиги харидорларни ранжитмоқда. Мана шу газламаларни ишлаб чиқаришни янги йўлга қўйиш зарур.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турлари ва сифатини ҳам тузукроқ яхшилаш лозим. Бу муҳим ишда моделлар, кийим-кечак, трикотаж ва пойабзал уйларининг ташаббуси ва масъулиятини кескин ошириш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида тармоқ ишидаги камчиликлар қаттиқ танқид қилинган эди, аммо ўтган йили ва шу йилнинг икки ойидаги иш якунлари бу камчиликлар суст тугатилаётганидан далолат бериб турибди.

Енгил саноат министри (ўртоқ Қурбонов) ва коллегия аъзолари барча корхоналарнинг ишини яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўриб, бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳамма турдаги молларни етказиб бериш плани сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак. Бунинг учун министрлик системасида ҳамма имкониятлар бор.

Маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари ва ижроия комитетлари бу тармоқнинг корхоналарига кун сайин ёрдам бериб туришлари лозим. Аҳолини оммавий равишда талаб қилинадиган моллар билан таъминлашда маҳаллий саноатнинг роли ҳақида алоҳида гапириш керак.

Республикада бу тармоқни ривожлантириш учун кўпгина ишлар қилинди. Шу беш йиллик мобайнида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми топшириқдаги 36 процент ўрнига 42 процент кўпайди. Унинг корхоналарида икки минг хилдан кўпроқ турли моллар тайёрланмоқда. Бу йил шу молларни ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 700 миллион сўмликка етади. Бироқ умуман дуруст бўлган умумий кўрсаткичлар соясидаги катта-катта камчиликларни ҳам кўрмоқ керак.

Бу министрлик хилма-хил энг оддий уй-рўзғор моллари ишлаб чиқариб, аҳолининг эҳтиёжларини қондириши, бунинг учун тегишли қувватларни вужудга келтириши лозимлигига унинг эътибори бир неча бор қаратиб келинди, аммо ишларнинг аҳволи жуда секинлик билан тузатилмоқда. Магазинларимизда алюминий қошиқ ва вилка, элак ва сузгич, керосин чироқ, рўзғор пичоғи, сув сепгич, дераза замазкаси ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина нарсалар топилмайди.

Министрлик ишлаб чиқарилаётган молларнинг турларини тезда янгиламаяпти ва сифатини оширмаяпти, маҳсулотларнинг бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқариш планини муттасил бажармаяпти, корхоналарни ихтисослашни тугаллаш чораларини кўрмаяпти.

Маҳаллий саноат министрлиги (ўртоқ Насриддинов), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, район ва шаҳар ижроия комитетлари бу тармоқнинг фаолиятини яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар кўришлари, уй-рўзғор моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, халқ бадиий ҳунармандчилиги моллари ва совға буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, касаначилик меҳнати турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш чиқитларидан ва маҳаллий хом ашёдан янада тўла-тўкис фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар ҳал этилишини таъминлашлари, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига йўл қўймаслик учун кескин чоралар кўришлари зарур. Планлаштириш чоғида савдо ташкилотларининг буюртмаларига қатъий амал қилишлари керак.

Госплан, Госснаб маҳаллий саноатга қўшимча моллар ишлаб чиқариш учун резервлар қидириб топишда амалий ёрдам беришлари лозим.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги кейинги бир неча йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг суръатлари яхшилиги билан қаноатланиб, аслида маҳсулот турларини янгилаш ва ишлаб чиқарилаётган мебель сифатини ошириш сингари фаолиятнинг энг муҳим масалаларини эътибордан четда қолдирди.

Министрлик (ўртоқ Маҳамадалиев) ва унинг корхоналари раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва турлари соҳасидаги аҳволни зудлик билан тузатиб олишлари, қувватларни ривожлантириш тадбирларини амалга оширишлари, шу тариқа аҳолининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебелга бўлган эҳтиёжи асосан республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган мебель ҳисобига қондирилишига эришишлари зарур.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўрмон хўжалиги министрлиги, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Ўзбекистон Қурилиш ва ёғочсозлик саноати бош бошқармаси, Кўрлар ва карлар жамиятларининг корхоналари халқ истеъмол қиладиган 200 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ўрмон хўжалиги министрлиги системасида рўзғор моллари, айниқса ёғочдан тайёрланган турли буюмлар, шунингдек қуруқ мева, шифобахш ўсимликлар, асал, зира, бодом, қорағат тайёрлашни анча кўпайтириш мумкин. Аммо министрлик (ўртоқ Юсупов) ҳамон мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланмоқда. Масалан, биз тўқима мебель комплектларини виставкалардагина кўрамиз, уларни кўплаб ишлаб чиқариш эса тузукроқ йўлга қўйилмаган.

Республиканинг аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган бошқа бир қанча министрликлари ва идоралари ҳам шундай моллар ишлаб чиқаришни етарли равишда ривожлантирмаяптилар ва кўпайтирмаяптилар.

Масалан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигини олайлик, унинг составида 23 та саноат корхонаси бор. Аммо бу корхоналар Маориф министрлигининг ўқув устахоналари ва интернат мактабларига нисбатан уч баравар кам маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Қурилиш министрлигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Оғир саноат ва машинасозлик корхоналари аҳолини маданий-маиший ва рўзғор моллари билан таъминлашда муҳим роль ўйнаши керак. Бу корхоналар шу йилнинг ўзида 460 миллион сўмликдан кўпроқ шундай моллар ишлаб чиқариши лозим.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Союзмашхлопководство» бирлашмасининг бир қанча заводларида, «Узбектекстильмаш», «Узбекхлопкомаш» бирлашмаларида, «Узбекхиммаш» заводида ва бошқа баъзи корхоналарда ижобий тажриба орттирилган. Бу корхоналарда ихтисослаштирилган цехлар қурилган ёки барпо этилган. Улар йил сайин мол ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда, маҳсулот турларини мунтазам равишда янгиламоқда ва сифатини яхшиламоқда.

Бироқ оғир индустриянинг ҳамма корхоналари ҳам бу муҳим ишни муносиб равишда йўлга қўйганлари йўқ. Андижон «Электродвигатель» заводида «Средазгазавтоматика» заводида ва бошқа корхоналарда йилига атиги 30-80 минг сўмлик мол аҳоли учун ишлаб чиқарилмоқда. Тошкент ремонт-подшипник ва Наманган машинасозлик заводларида, Фарғона сунъий чарм заводида, «Ташэлектромаш», «Подъемник» «Самаркандхлопкомаш», «Андижанирмаш» заводларида ва бошқа баъзи корхоналарда аҳолига аталган маҳсулот кам ишлаб чиқарилмоқда.

Иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи шу молларни кўпроқ ишлаб чиқаришнинг муҳим воситасидир. Шу йилнинг ўтган икки ойи ичида республикада ўрта ҳисобда бу кўрсаткич 1 сўм 38 тийинни ташкил этди. Наманган, Самарқанд ва Фарғона областларида бу кўрсаткич анча юқоридир. Шу билан бирга Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё областларида ҳамда Қорақалпоғистон АССРда иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳали ҳам паст бўлиб турибди ва 35-90 тийинни ташкил этмоқда, Госкомсельхозтехника, «Главташкентстрой», Узглавстройдревпром, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги корхоналарида эса 2-28 тийиндан ошмаяпти.

Республикада якка тартибда уй-жой қурилиши ривожланиши муносабати билан биз маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш соҳасидаги мавжуд катта камчиликларни жуда қисқа муддатда тугатишимиз зарур. Тегишли министр- [illegible] фондларига муво- [illegible] материалла- [illegible] муттасил [illegible] тон ССР [illegible] шун- [illegible] ладиган савдо базалари ва магазинлар тармоғини кенгайтиришлари керак. Шу материалларни аҳолига элтиб бериш, ортиш ва тушириш ташкил қилиниши лозим.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорига мувофиқ агросаноат комплекси тармоқлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Республикада ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол молларининг ярмига яқини шу тармоқларга қарашли корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга министрликлар, идоралар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишида жиддий камчиликлар бор. Маҳсулотнинг кўпгина турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари суст ҳал этилмоқда, бу маҳсулотларга бўлган талаб ҳали тўла-тўкис қондирилмаяпти.

«Лаззат» бирлашмасида мармелад, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида чой ишлаб чиқарадиган қувватларни қуриш ва ишга тушириш ғоят чўзилиб кетди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ҳали ҳам паст. Тошкентдаги «Ўртоқ» фабрикасида ва «Лаззат» бирлашмасида ишлаб чиқариш технологиясини бузишга кўпинча йўл қўйилмоқда. «Ташкентхлеб» бирлашмаси, Нукус, Бухоро нон комбинатлари ва бошқа корхоналардан магазинларга қинғир-қийшиқ, яхши пишмаган ёки куйиб кетган нон маҳсулотлари юборилмоқда. Фарғона ёғ комбинати ишлаб чиқараётган атир совун кўримсиз бўлганлиги учун харидорлар уни камдан-кам сотиб оладилар.

Озиқ-овқат саноатининг ишидаги жиддий камчиликларга министр ўртоқ М. И. Йўлдошевнинг ва министрлик коллегиясининг бир неча бор эътибори қаратилган бўлса ҳам, аммо бу тармоқдаги ишларнинг аҳволи суст тузатилмоқда.

Кейинги вақтларда кўпгина районлар ва областлар гўшт ва сут топшириш планларини бажармаётганлиги оқибатида республика Гўшт-сут саноати министрлигининг ишида катта қийинчиликлар вужудга келди. Аммо мана шундай шароитда ҳам министрлик (ўртоқ Мамажонов) хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, айниқса колбасанинг сифатини ошириш соҳасидаги ишни яхшилаши лозим эди. Қадоқланган гўшт-сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак.

Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни янада кўпайтириш учун катта резервлар бор. Аҳолини хилма-хил мева, сабзавот маҳсулотлари билан йил бўйи нормал таъминлаш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Шу муносабат билан республика Мева-сабзавот хўжалиги министрлигидан умидимиз катта эди. Бироқ, ҳали жиддий силжишларга эришилгани йўқ, аҳоли янги сабзавот, мева ва узум билан ҳали ҳам етарли равишда таъминланмаяпти. Консерва заводлари мураббо, жем, повидлони кам ишлаб чиқармоқда. Болалар учун консервалар ва витаминли мева шарбатлари ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмаяпти. Мева-сабзавот консервалари кўпинча катта идишларда ва чекланган ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда технология режимлари, рецептура талаблари, асраш шартлари кўп ҳолларда бузилишига йўл қўйилмоқда.

Министрлик (ўртоқ Абдуллаев) аҳолини бутун йил давомида янги сабзавот ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, унинг сифатини узлуксиз ошириш учун комплекс тадбирий чораларни кўриши зарур.

Саноат паррандачилиги давлат комитети кейинги икки йил ичида планга нисбатан 12 минг тонна парранда гўшти ва 143 миллионтадан зиёд тухум кам берди. Ҳали ҳам кўп миқдордаги парранда гўшти савдо ташкилотларига ва умумий овқатланиш корхоналарига етарли равишда ишланмасдан, сифатсиз етказиб берилмоқда.

Балиқчилик хўжалиги давлат комитетининг иши кейинги вақтларда анча яхшиланмоқда. Аммо 4 йил мобайнида шу комитет хўжаликлари 10 минг тонна балиқни кам берди. Балиқ хўжаликларида аҳолига унчалик манзур бўлмайдиган дўнгпешона балиқлар кўп миқдорда етиштирилмоқда. Савдо тармоқларига майда балиқ кўплаб етказиб берилмоқда. Биз балиқчилик хўжаликларимизнинг коллективлари илгари етказиб берилмаган маҳсулот ўрнини қоплаш чораларини кўришларига ишонамиз.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш миқёслари тобора кўпайиб бораётган шароитда Госплан, Госснаб, Узглавлегснабсбыт, Узглавпищеснабсбыт, Узтекстильторг сингари ташкилотлар «Б» группаси тармоқлари учун материал-техника ресурсларини планлаштириш ва реализация қилишда кўпроқ оперативлик ва эпчиллик кўрсатишлари лозим.

Барча корхоналарда материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш устидан контролни кучайтириб, хом ашё ва материалларнинг ҳар қайси бирлигидан кўпроқ юқори сифатли маҳсулот олишга, бу йил тежалган ресурслар ҳисобига камида икки кун ишлашга эришиш зарур.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган бир қанча қарорларда аҳоли учун ишлаб чиқарилаётган молларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини тубдан яхшилаш зарурлигига ғоятда жиддий ва талабчанлик билан эътибор қаратилганлиги сизларга маълум.

Магазинларда харидорларга манзур бўладиган моллар кўпайиб бормоқда. «Қизил тонг» бирлашмасининг хилма-хил аёллар пальтолари, Қўқон тикув фабрикасининг сорочкалари, Тошкент ва Самарқанд заводларининг чинилари, Наманган аврли газламалар комбинатининг миллий матолари, Тошкент, Бухоро ва Чуст маҳаллий саноат фабрикаларининг каштачилик ва зардўзлик маҳсулотлари, «Узбекхиммаш» заводининг занглаимайдиган пўлатдан тайёрланган, ошхонабоп идиш-товоқлари, рўзғор электр маҳсулотлари ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бироқ одамларнинг яхши, сифатли молларга, айниқса болаларга аталган молларга бўлган талаблари ҳали ҳам тўла-тўкис қондирилмаяпти.

Кўпгина корхоналар харидорларнинг ўзгариб турувчи талабларига ва савдо заказларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун ўз цехларини зудлик билан қайта қурмаяпти. Шу сабабга кўра, тикувчилик, тўқимачилик-галантерея буюмлари, пойабзал, мебелнинг кўпгина турлари сотилмай, корхоналарнинг омборларида ва магазинларда касод бўлиб ётибди.

1984 йилда Маҳаллий саноат министрлиги текшириб кўрилган маҳсулотининг учдан бир қисми, Енгил саноат министрлиги маҳсулотининг тўртдан бир қисми ва Мебель саноати министрлиги маҳсулотининг бешдан бир қисми брак қилинди ва сорти пасайтирилди.

Андижон, Самарқанд ва 2-Тошкент пойабзал фабрикалари, Жиззах ва Бухоро трикотаж фабрикалари, Самарқанддаги «8 март» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси узлуксиз ностандарт маҳсулот ишлаб чиқариб келганлиги сабабли уларнинг маҳсулотларини қабул қилиш тўхтатилди.

Стандартларни бузганликлари учун Маҳаллий саноат министрлигининг 75 корхонаси, Озиқ-овқат саноати министрлигининг 55, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг 65, Гўшт ва сут саноати министрлигининг 31, Мебель саноати министрлигининг 21 корхонаси маҳсулотини савдо корхоналарига етказиб бериш бир карра тақиқлаб қўйилди.

Харидорлар Олмалиқ мебель комбинати, Наманган мебель фабрикаси, «Ташавтоматика» заводининг болалар велосипеди, Самарқанд холодильник заводининг холодильниклари сифати хусусида жиддий эътироз билдирмоқдалар.

Сифатсиз маҳсулот йўлига қаттиқ тўсиқ қўйиш, паст сифатли маҳсулот пайдо бўлишига йўл қўймайдиган шароитларни яратиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлган шахслар қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар, уларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак.

Молларни харидорларга яхши ва ўралган ҳолда етказиб бериш, маҳсулотларни ташиш, омборлар, магазинларда асраш пайтида уларнинг бузилишига йўл қўймаслик лозим.

Харидорлар талабини ўрганишнинг, янги турдаги маҳсулотларни тарғиб қилишнинг муҳим формаси бўлмиш саноат министрликларининг фирма магазинлари орқали савдо қилишни кенгайтириш зарур. Енгил саноат министрлигининг Тошкентда очилган «Перспектива» магазини бунга яхши мисол бўла олади.

Министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини янгилаш ишларининг ҳолати учун, сифатини яхшилаш учун бўлган масъулиятини оширишлари, ишнинг ана шу муҳим соҳасини доимий контроллик остига олишлари, илғор тажрибани актив қўллаб-қувватлашлари ва оммалаштиришлари керак. Социалистик мусобақа кенг авж олдирилиши лозим. Ўзбекистон Давлат стандарти ва унинг жойлардаги органлари актив роль ўйнашлари ва қатъият кўрсатишлари керак.

Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», савдо ташкилотлари харидорларнинг талабларини ўрганишни тубдан яхшилашлари, саноатнинг ишлаб чиқариш программасини шакллантиришга ўз таъсирларини кучайтиришлари лозим.

Ҳозир халқ истеъмол молларини савдо ташкилотларига етказиб бериш юзасидан белгиланган шартномавий мажбуриятларга риоя этиш масаласи нақадар ўткир қилиб қўйилаётганлиги яхши маълум. Кейинги йилларда кўпгина меҳнат коллективлари бу соҳада ижобий натижаларга эришдилар, аммо шартномавий мажбуриятларни узлуксиз бузиб келаётгани, маҳсулотни тўла етказиб бермаётганлиги учун катта миқдорда жарима тўлаётган бирлашма ва корхоналар ҳали ҳам кўп.

Умуман республикада шу йилнинг январь-февраль ойларида савдо ташкилотларига мол етказиб бериш плани бажарилмади. Енгил саноат министрлиги қарийб 14 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди, Маҳаллий саноат министрлиги кўп миқдордаги мебель, рўзғорбоп пахта ва устки трикотажни етказиб бермади.

Озиқ-овқат саноати министрлиги маҳсулот етказиб бериш планини бажармади, кондитер ва макарон маҳсулотлари, чой, хамиртуруш, минерал сув камроқ чиқарилди. Мебель саноати министрлиги, Иттифоқ қарамоғидаги бир қанча бирлашма ва корхоналар маҳсулот етказиб бериш планини бажармадилар.

Ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга ажратилган маблағ қарийб 2 баравар кўпайди. Кўпгина қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, «Б» группаси объектларини қуриш муддатларини қисқартириш учун бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Аммо бир қанча қурилишларда ҳали ҳам зарур даражада куч-ғайрат сарфлаб ишлаш вазияти вужудга келтирилмаган.

1984 йилда енгил саноат объектларида план бажарилмади. Хўжайли шаҳридаги тўқув фабрикасини, Маржонбулоқдаги тикув-трикотаж фабрикасини, Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар бирлашмасининг янги қувватларини, Тошкент ва Нукусдаги икки та ҳунар-техника билим юртини, шунингдек ип газлама комбинатлари филиаллари учун 8 минг квадрат метр уй-жой ва болалар боғчасини ишга тушириш топшириғи бажарилмай қолди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Жиззах шаҳридаги пайпоқ фабрикаси, Самарқанд шаҳридаги трикотаж фабрикаси, Бухоро шаҳридаги саноат узели, Тошкент шаҳридаги йигирув-тўқув фабрикаси каби муҳим объектларда ишларни қониқарсиз олиб бормоқда. Бу министрлик маҳаллий саноатнинг Тошкент шаҳридаги механика заводи қурилишида 1980 йилдан буён планда кўзда тутилган 2,3 миллион сўмлик ўрнига атиги 500 минг сўмлик иш бажарди.

Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главташкентстрой», Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узколхозстрой», Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети ва «Главсредазирсовхозстрой» ташкилотлари халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи объектларни ҳамон қониқарсиз равишда қурмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва маиший хизматни ривожлантиришнинг 1986—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программасини амалга ошириш совет кишилари фаровонлигини юксалтиришга янги катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Экономиканинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат қилиш билан шуғулланувчи ҳамма тармоқлари ва бўғинларини жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу тариқа совет кишиларининг ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш зарур.

Маҳаллий Советлар, республиканинг тегишли министрликлари ва идоралари ҳозирнинг ўзидаёқ программанинг узил-кесил тасдиқланишини кутмай, барча корхоналар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ва аҳолига хизмат қилишга жалб этилиши учун зарур чораларни кўришга киришишлари муҳимдир.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари корхоналарнинг фаолияти билан чуқур шуғулланишлари, аҳолига керакли моллар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун резерв ва имкониятларни қидириб топишлари керак. Малакали ишчи кадрларни тайёрлашда, ходимларнинг ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитларини яхшилашда уларга ёрдам бериш лозим.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг аҳволи ва шу масала юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари бажарилиши учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида таъкидланганидек, партия бундан буён ҳам ўзи ишлаб чиққан социал сиёсатни муттасил амалга ошираверади. Партия Программасига ёзиб қўйилган: ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган қоида тобора чуқур ва конкрет мазмун билан тўлдирилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган XIX пленумида ҳам шу тўғрида батафсил гапирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг докладида таъкидлаб ўтилганидек, топширилган иш участкаси учун, юксак пировард натижаларга эришиш учун, барча миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича давлат планлари ҳамда топшириқларни сўзсиз бажариш учун раҳбарларнинг масъулиятини доимо ошириш зарур.

Мана шу кўрсатмалар асосида министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари аҳолини моллар билан ғоят тўла-тўкис таъминлаш учун курашнинг олдинги маррасида бўлишлари лозим.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш масалаларини тармоқ, район, шаҳар, область миқёсидагина эмас, шу билан бирга ҳар бир завод, фабрика, колхоз, совхоз, ҳар бир меҳнат коллективи миқёсида ҳам кўриб чиқиб, ҳал этиш муҳимдир.

Республиканинг совет ва хўжалик органлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажара бориб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI—XIX пленумларининг йўл-йўриқларига мувофиқ, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада ошириш, сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтиришни, аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжини янада тўла-тўкис қондиришни таъминлайдилар, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш асосида ленинчи партиямизнинг XXVII съездини Совет Ўзбекистонини социал ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳамма соҳаларидаги меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

---

* Доклад қисқартирилган стенограммага мувофиқ эълон қилинмоқда.

Депутат Т. АЛИМОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Депутат ўртоқлар! Ўн биринчи чақириқ республика Олий Советининг биринчи сессияси бугун катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалани муҳокама қилмоқда.

Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ленинчи партиямиз ва совет давлатининг доим энг муҳим вазифаси бўлиб келди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги март Пленумидаги нутқида партиянинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» программ қоидаси тобора чуқур ва аниқ-равшан мазмун билан оғишмай тўлиб бориши лозимлигини таъкидлади.

Ҳар бир совет кишисининг ҳалол меҳнат қилиши, хўжалик механизми ва бутун бошқарув системасини қатъият билан такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ҳақиқий бурилиш ясаш, экономиканинг самарадорлигини ошириш шу мақсадга эришишнинг асосий йўналишидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида бизнинг республикамиз учун ана шу вазифаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Энг муҳими талабчанликни кучайтириш, ҳар бир кишининг ўзига топширилган иш учун масъулиятини ошириш, бутун ишимизда ленинча услубни қарор топтиришдир.

Пленум республика олдида турган социал-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда аҳолининг турли хил товарлар ва хизматларга нисбатан эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Область партия ташкилоти, халқ депутатлари Советлари КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматининг кундалик ғамхўрлигини сезиниб халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу масалалар доим Советларнинг сессиялари ва ижроия комитетлар мажлислари, доимий комиссиялар эътибор марказида турмоқда.

Область халқ депутатлари Советлари корхоналар фаолиятини контроль қилиш бўйича ўз ваколатларидан фойдаланиб, партиянинг меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларини тўла қондириш бўйича директив кўрсатмаларининг бажарилиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини оширишга тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқдалар.

Советларнинг ишлаб чиқаришни бошқариш даражасини ошириш, етишмовчиликни бартараф этиш, иккиламчи ресурсларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш, халқ истеъмоли товарлари эҳтиёжини тақсимлаш ва реализация қилишни яхшилаш ишида саноат ва савдонинг фаолиятини янада аниқ мувофиқлаштириш бўйича чоралар ишлаб чиқишга эътибори кучаймоқда.

Областимиз корхоналарида беш йиллик бошидан бери улгуржи нархларда 8,6 миллиард сўмлик истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди, бу планда белгиланганига нисбатан 220 миллион сўмлик кўпдир. 297 та саноат корхонаси халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқармоқда. Уларнинг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги солиштирма салмоғи 50 процентни ташкил этмоқда. Ҳар бир сўмлик иш ҳақи фонди ҳисобига бундай товарлардан 1 сўму 38 тийинлик тайёрланмоқда.

Трикотаж, тикувчилик, маҳаллий ва бошқа саноат тармоқлари корхоналари халқ истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқишни жадал суръатлар билан кўпайтириб бормоқдалар. Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Малика» трикотаж бирлашмаси, Янгийўлдаги пойабзал фабрикаси ва бошқа қатор корхоналар коллективлари юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича яхши, ижодий ишламоқдалар.

Бу корхоналарда шартнома нархлари ва «янгилик» индекси билан буюмлар ишлаб чиқариш муттасил кўпайиб бормоқда. Бу масалалар доим жамоат ташкилотлари, шаҳар ва район Советлари депутатларининг диққат марказида бўлмоқда. Кўпчилик ишчилар меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси билан қамраб олинган, социалистик мусобақага таъсирчан раҳбарлик амалга оширилмоқда. Бу корхоналарнинг маҳсулотлари харидорлар томонидан кўп талаб қилинаётганлиги ҳам қонунийдир.

Оғир индустрия корхоналарида маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги, жумладан «Узбекхиммаш», Чирчиқ трансформатор, «Миконд» заводлари, В. П. Чкалов номидаги ҳамда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаларига ихтисослашган цехлар, участкалар ташкил этилган, аҳоли учун буюмлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган комплекс программалар ва прогрессив технологик жараёнлар ишлаб чиқилган ва жорий этилмоқда.

Оммавий эҳтиёж товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишида саноат корхоналарининг кичик шаҳарлар ва қишлоқ районларидаги филиаллари ҳамда цехлари муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда областда 30 та шундай ишлаб чиқариш бор, уларда 130 миллион сўмликдан кўпроқ буюмлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга аҳолининг оммавий талаб буюмларига эҳтиёжини қондириш, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш бўйича ишимизда ҳали кўпгина камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар борлигини биз яхши тушунамиз. Областдаги қатор корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари 55—80 процент даражасида фойдаланилмоқда. Ҳали ҳамма жойда ҳам материаллар етказиб бериш планлари ва шартнома мажбуриятлари тўла ҳажмда белгиланган муддатларда бажарилаётгани йўқ, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш режимига лозим даражада риоя қилинмаяпти, қўл меҳнати салмоғи секинлик билан камаймоқда. Шу йилнинг ўтган икки ойи якунларига кўра 77 корхона халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш юзасидан план топшириқларини уддалай олмади, 103 корхона эса бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайтириб юборди. Бундай камчиликларнинг асосий сабаблари ҳали ҳам партия, давлат, план ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларининг содир бўлаётганлигида, ташкилотчилик ва сиёсий ишда катта камчиликларга йўл қўйилаётганлигида, топширилган иш участкаси учун кадрларга суст талабчанлик қилинаётганлигидадир. Бизнинг кўпгина раҳбарларимиз ҳамон ўз ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида қайта қурганларича йўқ.

Афсуски, бу масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советлари, халқ контроли группалари, жамоатчи ташкилотларнинг имкониятлари тўла фойдаланилмаяпти. Ижроия комитетларнинг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, технологиясини такомиллаштириш, бундай буюмларнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича ташкилотчилик ишлари ҳали ҳам улар фаолиятини асосий йўналишларидан бири бўлиб қолганича йўқ. Советлар сифатсиз буюмлар ишлаб чиқарилишига мустаҳкам тўсиқ қўйишлари керак, бу ишда савдо ходимларининг, биринчи навбатда улгуржи савдо тармоғи ходимларининг ролини оширишлари, буюмларнинг янги намуналари кўриклари, кўргазмаларини тез-тез ўтказиб туришлари, уларни реклама қилиш мақсадида радио, матбуот ва телевидениени кенг жалб этишлари лозим.

Яқинда область партия комитети бюроси пойабзал корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу тармоқ енгил саноатнинг бошқа тармоқларига қараганда жуда паст сифат кўрсаткичларига эга. Ундаги технологик асбоб-ускуналарнинг 40 процентга яқини маънавий ва жисмоний эскирган, янги техника ва илғор технология суст жорий қилинади, потокларни ҳарфорларнинг талабларига мувофиқ юқори сифатли пойабзал ишлаб чиқаришга қайта мослаштириш ўз вақтида амалга оширилмайди.

Бунинг оқибатида областдаги пойабзал корхоналаридан беш йиллик бошидан бери анчагина миқдорда паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганликлари учун икки миллион сўмга яқин жарима ундирилди, 1,5 миллион жуфтдан ортиқ пойабзал тузатиш учун корхоналарга қайтариб юборилди.

Болалар пойабзали ишлаб чиқариш ҳақида алоҳида гапириш лозим. У жуда етишмаётган бир пайтда тармоқда болалар пойабзали ишлаб чиқариш муттасил камаймоқда, бунинг учун биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида ҳаққоний танқид қилиндик. Болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Чирчиқ пойабзал фабрикасини асосан ишчи пойабзали ишлаб чиқарувчи Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикаси билан кўр-кўрона бирлаштирилиши ана шундай аҳволнинг содир бўлишига олиб келган сабабларнинг биридир. Фабрика бирлашмага қўшилиб ишлагандан бери ўтган 8 йил давомида ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини йил сайин пасайтирмоқда.

Область ташкилотлари Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, республика Госпланига бу корхоналарни ажратиш таклифи билан бирнеча бор мурожаат қилдилар. Лекин, бу масала ижобий ҳал қилинганича йўқ.

Область партия комитети бюросида пойабзал саноати корхоналарининг қатор раҳбарлари йўл қўйилган камчиликлар учун қаттиқ жазоландилар, бу корхоналарнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Шу билан бирга бу тармоқ корхоналарининг ёмон ишлаётганлиги, сифатсиз маҳсулот тайёрлаётганлиги учун биз республика Енгил саноат министрлиги ходимларига ҳам катта эътирозлар билдирамиз, улар корхоналарни қолоқликдан олиб чиқиш учун зарур чоралар кўришлари лозим.

Сифатли мебель ишлаб чиқаришни таъминлаш муаммоси ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш керак. Бу масала Олмалиқ мебель комбинати ва Янгийўл мебель фабрикаси каби корхоналарда жуда кескин бўлиб турибди. Республика Мебель саноати министрлиги ходимлари бу корхоналарнинг қолоқликдан чиқиши учун ёрдам бермоқдалар. Бироқ мебелчилар олдида турган муаммолар ва бугунги вазифалар жуда суст ҳал қилинмоқда. Бу тармоқда предмет ва технологик ихтисослаштириш ҳамда мавжуд цехлар ва участкаларни реконструкция қилишни амалга ошириш қатори малакали кадрлар тайёрлаш, уй-жойлар, болалар ва маданий-маиший муассасаларни, ҳунар-техника билим юртларини ўз вақтида қуриш масалалари билан ғайрат-шижоат билан шуғулланиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ана шу масалалар бутун комплексини ҳал қилмасдан туриб мебель сифатини ошириш муаммосини ҳал этиш ҳам мумкин эмас.

Область партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, ишлаб чиқариш коллективлари олдида беш йилликнинг якунловчи йилида масъулиятли вазифалар турибди. Планда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 4 миллиард сўмликдан кўпроқ ошириш назарда тутилган, бу ўсиш 1984 йилда эришилган даражадан 6,7 процентни ташкил этади. Товар оборотн ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича план топшириқларининг бажарилишини таъминлаш ва қолоқликни бартараф этиш учун кўп иш қилиниши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг тавсиялари, шунингдек республика Олий Советининг ушбу сессиясида қабул қилинадиган қарорлар биз учун оммавий эҳтиёж товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбарликни яхшилаш бўйича аниқ программа бўлиб қолади. Биз партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини, барча меҳнат коллективларининг куч-ғайратини ана шу масалаларни ҳал қилишга бундан буён ҳам қатъийлик билан йўналтирамиз.

Пойтахт области халқ депутатлари Советлари, барча меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида жонажон Коммунистик партиянинг XXVII съездини халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлаш учун барча ишларни қиладилар деб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, ҳурматли депутатлар, Сизларни ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

30 март куни Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Яқиндаги сайловда республика давлат ҳокимиятининг олий органига тўла якдиллик билан сайланган халқ депутатлари ўзларининг Ўзбекистон пойтахтидаги биринчи амалий учрашувига яхши кайфият билан келдилар. Мамлакат Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съездига, совет халқининг гитлерчилар фашизми устидан Буюк ғалабасининг 40 йиллигига тайёргарлик ҳамма жойда кенг авж олиб кетганлиги юксак сиёсий ва меҳнат ғайратшижоатини жўш урдирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди белгилаб берган ленинча сиёсий йўлнинг ўзгармас эканлигини таъкидлаган 1985 йил март Пленумининг якунлари уларга зўр илҳом бахш этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган пленуми сессия ишига муайян жўшқинлик бағишлади. Пленумда КПСС Марказий Комитети талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ана шу масала юзасидан қабул қилинган принципиал йўлнинг изчиллик билан амалга оширилиши яна бир бор таъкидланди.

Депутатлар сессия кун тартибига киритилган «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш соҳасида республика совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани худди ана шундай юксак партиявий талабчанлик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосида муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Ғ. Ҳ. Қодиров** ана шу масала юзасидан доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари депутат **Т. А. Алимов** доклад юзасидан музокараларни бошлаб берди.

(Депутат Т. А. Алимовнинг нутқи газетада босилмоқда).

— Партия ва ҳукуматнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгилаб берган тадбирлари ҳозирдаёқ сезиларли натижалар бермоқда,— деди Андижон шаҳар саноат моллари савдоси магазинининг сотувчиси депутат **О. А. Қодирова** сессияда сўзлаган нутқида.— Магазинларнинг пештахталарида ҳали яқиндагина савдо тармоғида камёб ҳисобланган кўпгина моллар пайдо бўлди. Бироқ шуни тўғридан-тўғри айтиш керакки, истеъмолчиларимизнинг ортиб бораётган талабларига жавоб берадиган сифатли, бежирим ва арзон моллар ҳали ҳам етишмаяпти. Республикада ишлаб чиқарилаётган моллариинг ассортименти камлигича қолмоқда. Савдо ходимлари бундай молларни мамлакатимизнинг турли томонларидан Ўзбекистонга келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса қимматга тушмоқда ва харидоргир буюмларнинг камёблигига сабаб бўлмоқда. Бизнинг саноатимиз ходимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган молларнинг сифати паст эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Афсуски, бунинг учун харидорларнинг эътирозларини биринчи бўлиб улар эмас, балки — биз савдо ходимлари тинглашга мажбур бўлмоқдамиз. Республика мебель, пойабзал, трикотаж корхоналари, Самарқанд холодильниклар заводи буюмларининг сифатини, пишиқлигини яхшилаш зарурлиги тўғрисида турли даражада жуда кўп марта гапирилди. Бироқ уларнинг раҳбарлари бундан ҳанузгача керакли хулоса чиқариб олганлари йўқ. Тегишли министрликлар ва идоралар ҳам бу борада зарур чораларни кўрмаётирлар.

— Навоий кон-металлургия комбинатида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарила бошлагандан буён ўтган икки йил мобайнида,— деди комбинат директори депутат **А. А. Петров**,— уларнинг хили кўпайиб, ҳозир тўрт номдаги маҳсулот ўрнига ўн тўрт номда маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлиб қолди. Корхона зарур бўлган тақдирда шундай молларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, жумладан пластмассадан кўплаб буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятига эгадир. Бироқ биз ноишлаб чиқариш характерига эга бўлган бир қанча қийинчиликларга, жумладан ана шу молларни реализация қилиш ва нархларини тасдиқлаш масалаларида қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Савдо ташкилотлари эса бу масалада лоқайдлик ва манфаатсизлик кўрсатмоқдалар.

Бу йил корхонада «Малютка» типидаги қичик габаритли кир ювиш машиналарини ишлаб чиқаришга қарор қилдик, бунинг учун нодир термопластли автомат, комплектловчи буюмларни сотиб олдик, бироқ тегишли техникавий ҳужжатларни, ишлаб чиқариш учун керакли анжомларни кўп куч-ғайрат сарфланаётганлигига қарамай, сотиб олишга муваффақ бўла олмаётирмиз. Республикада мувофиқлаштириш маркази ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу марказ халқ истеъмол молларига ҳар йили ўзгариб бораётган реал эҳтиёжни ҳисобга олган, зарур техника ҳужжатини, буюмларнинг номенклатурасини ишлаб чиқкан ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларни улар билан боғлиқ бўлган савдо ташкилотлари билан алоқаларини белгилаган бўлур эди.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министри депутат **К. Х. Маҳамадалиев** сессияда ўз министрлигининг ишига танқидий баҳо бериб, ҳаёт олдимизга тобора мураккаброқ талаблар қўяётганлигини, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштириш, иш самарадорлиги ва сифатини оширишни, қисқа муддат ичида олий Сифат категорияси ва жаҳон стандартларига талабларига мувофиқ келадиган моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо этаётганлигини англаб турибмиз. Шаҳар ижроия комитети халқ учун моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришнинг янги беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ва илмий асосланган истиқболларини ўрганмоқда ва ишлаб чиқмоқда. Кейинги беш йилликда шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни камида бир ярим баравар кўтаришга, бунга, аввало, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш ҳисобига, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида эришиш вазифаси қўйилмоқда. Бироқ шаҳарда ана шу масаланинг муҳимлигини тушуниб етмаётган раҳбарлар йўқ эмас, улар планларнинг бажарилишини таъминламаётирлар. Шаҳар ва район план комиссиялари орқада қолаётган корхоналардаги ишнинг аҳволини чуқур анализ қилиб, уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, уни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришда ёрдам кўрсатмаётирлар. Буюмларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш устидан етарли назорат қилинмаётир.

— Фарғона областининг маҳаллий Советлари,— деди Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг иккинчи секретари депутат **А. И. Барулин**,—меҳнат коллективларининг фаолиятини савдо шохобчасида камчилиги сезилаётган молларни ишлаб чиқаришга қаратишга интилмоқдалар. Бироқ аҳолининг талаби ҳали тўла қондирилаётгани йўқ, буюмларнинг сифатини ҳам ошириш зарур. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан кўнгилдагидек фойдаланилмаётганлиги қолоқлик сабабларидан бири бўлмоқда. Маҳаллий партия ва совет органлари шаҳарлар ва районлар территориясида ишлаб бораётган барча корхоналарда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласида ҳамиша ҳам зарур талабчанлик кўрсатаётганлари йўқ. Қишлоқ жойларда кейинги йилларда йирик корхоналарнинг филиаллари ташкил этилиб, кўпгина маблағ, сарфланди, бироқ уларнинг қуввати суст ўзлаштирилмоқда, фонд самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Республика Госплани халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилишни планлаштиришни, маҳсулот ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар етказиб бериш билан мувофиқлаштирилишини янада қаттиқроқ назорат қилиши зарур.

— Самарқанд корхоналарида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш шу беш йилликда анча кўпайди, шу жумладан «Н» индексли буюмлар ишлаб чиқариш анча ортди,— деди Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси депутат **Д. А. Ахроров**.— Биз эришилган муваффақиятларга танқидий баҳо бериб, ҳаёт олдимизга тобора мураккаброқ талаблар қўяётганлигини, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштириш, иш самарадорлиги ва сифатини оширишни, қисқа муддат ичида олий Сифат категорияси ва жаҳон стандартларига талабларига мувофиқ келадиган моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо этаётганлигини англаб турибмиз. Шаҳар ижроия комитети халқ учун моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришнинг янги беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ва илмий асосланган истиқболларини ўрганмоқда ва ишлаб чиқмоқда. Кейинги беш йилликда шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни камида бир ярим баравар кўтаришга, бунга, аввало, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш ҳисобига, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида эришиш вазифаси қўйилмоқда. Бироқ шаҳарда ана шу масаланинг муҳимлигини тушуниб етмаётган раҳбарлар йўқ эмас, улар планларнинг бажарилишини таъминламаётирлар. Шаҳар ва район план комиссиялари орқада қолаётган корхоналардаги ишнинг аҳволини чуқур анализ қилиб, уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, уни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришда ёрдам кўрсатмаётирлар. Буюмларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш устидан етарли назорат қилинмаётир.

